

Tibbiyot insonni, veterinariya insoniyatni davolaydi

# ZOOVETERINARIYA

Ilmiy-ommabop  jurnal

2014

5

май

ISSN 2091-554-3

3-бет

Қонунларни  
ўрганинг

7-бет

ИФА таҳлили  
нима?

11-бет

Цефтионел-50 –  
туёқ чиришига  
қарши

19-бет

Гинекологик  
касалликларнинг  
олдини олиш

21-бет

Агар қуён  
боқсангиз...

23-бет

Ота дуосини  
олганлар

32-бет

Қоракўлчиликда  
сур кўчқорлар

37-бет

Урал  
паррандачи-  
ларининг  
тажрибаси



9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Тахрир хайъати раиси  
Б. САЙИТҚУЛОВ – в.ф.н.

Тахрир хайъати:

Ш. АКМАЛХОНОВ – академик  
Ж. АЗИМОВ – академик  
С. АЗИМОВ – профессор  
Н. АХМЕДОВ – профессор  
Р. ДАВЛАТОВ – в.ф.д  
Н. ЙЎЛДОШЕВ – в.ф.н.  
И. МАМАТҚУЛОВ – профессор  
У. НОСИРОВ – профессор  
Б. НОРҚОБИЛОВ – ДВББ  
А. ОРИПОВ – профессор  
Ҳ. САЛИМОВ – профессор  
Х. САПАРОВ – т.ф.н.  
Н. ФАРМОҒОНОВ – доцент  
О.ШАРИПОВ – к/х. ф. н.  
Э. ШАКАРБОЕВ – б.ф.д.  
С. ЮСУПОВ – профессор  
А. ҚАҲАРОВ – профессор  
Р. ҲАЙИТОВ – профессор  
С.МАВЛОҒОНОВ – б.ф.н.  
И.ҚУРБОҒОНОВ – ЎзВА  
Ю.ИБРАГИМОВ – б.ф.н.

Бош муҳаррир:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир (рус тили):

Владимир ДУБОВ

Масъул котиб:

Муаттар ДАДАЖОНОВА

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:  
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув  
ҳўжалиги вазирлигининг Давлат  
ветеринария бош бошқармаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
ветеринария бош бошқармаси,  
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб  
чиқарувчилар уюшмаси,  
Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши,  
«AGROZOOVETSERVIS» масъулияти  
чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0284-рақам  
билан рўйхатга олинган  
Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Усмон  
Носир, 22 А/Я: 5628.

Тахририят манзили: 100084, Тошкент  
шаҳри, Бодомзор йўли, 37 А/Я: 5521  
Тел.: + (99895) 170-22-35  
(8371) 234-77-22

Web-сайт: www. vetjournal.uz

Web-саҳифа: www. goldenpages.uz  
справочник

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади-4150

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 15.05.2014.

Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>2</sub>, Офсет усулида чоп

этилди. 6 б.т. Буюртма №131

Баҳоси келишилган нарҳда.

© «Зооветеринария», #5 (78) 2014

«КАМАЛАК-PRINT» МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Широқ кўчаси, 2-уй.

**ДОЛТЗАРЪ МАВЗУ**

*Парламент минбари*

**Ф.Комилов, А.Жабборов** – Фермер, конусларни ўрганинг ..... 3

*Жараён*

**У. Жумаев** – Меҳнат қилинг, роҳатини кўринг! ..... 4

**ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ**

*Юқумли касалликлар*

**Г.Х.Мамадуллаев** ва б – Туберкулёз микробактерияларига қарши “Биомайрин”  
перепаратининг антибактериал фаоллиги ..... 5

**И.Н. Матвеева** – ИФА для определения уровня антител  
к вирусу ВД-ВС ..... 7

Некробактериозы животных ..... 9

Цефтионел-50 –против некробактериоза..... 11

В Грузии обнаружен неизвестный вирус оспы..... 11

**Б.А.Элмуродов** ва б – Ёш ҳайвонлар юқумли касалликларини аниқлаш,  
даволаш ва олдини олиш ҳақида ..... 12

*Паразитар касалликлар*

**Б.Салимов** ва б. – Кўйлар тизаниезиозининг эпизоотологик ҳолати ва унинг  
кўзгатувчисининг морфологик хусусиятлари ..... 14

**Ж.Баратов** ва б – Пироплазмозга қарши радиовакцина..... 16

*Юқумсиз касалликлар*

**Ж.Ш. Шопўлатов** – Кекирдак, ўпка ва плевра касалликлари ..... 18

*Акушерлик ва гинекология*

**А.И.Амиров** ва б – Республикамизда чорвачиликни ривожлантиришда акушер  
гинекологик касалликларни олдини олиш ва даволашнинг аҳамияти ..... 19

*Зоогиена, ветеринария – санитария, экология*

**Д.Г.Ҳайитов, З.Т.Ражамурадов** – Ташки муҳитнинг ноқулай  
иклимий омиллари таъсирида қуёнлар қонининг морфологик  
таркибини ўзгариши ..... 21

**ФЕРМЕРАР ҲАЁТИ**

**А. Аликулов** – Ота дуосини олганлар ..... 23

**ЧОРВАЧИЛИК**

*Наслчилик*

**М.Хусенова** ва б – Ҳар хил тирик вазндаги қора-ола зотли сигирлар  
авлодининг ўсиш кўрсаткичлари..... 25

**С.Ўроқов** ва б – Ҳар хил жуфтлаш усулини қўллашдан олинган қизил  
қўл зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги..... 28

**Ч.Содиқова** ва б – Ишлаб чиқариш хили бўйича қора-ола зотига  
мансуб сигирларнинг сут маҳсулдорлиги..... 30

**С.Б.Саттаров** – Бухороншариф, Сарибел ва Нурота завод типидagi  
сур кўчкорлар авлодида сур рангининг ифодаланиши..... 32

**Б.Ж.Носиров** ва б. – Турли ишлаб чиқариш типидagi бушуев зотли сигирларни  
сут маҳсулдорлигини иқтисодий самарадорлиги..... 34

*Генетика*

**С. В.Тюлькин** – Характеристика быков-производителей с разными генотипами  
генов соматотропина, пролактина, лептина и тиреоглобулина по молочной  
продуктивности женских предков ..... 35

*Паррандачилик*

**М.Старков** – Как уральские птицеводы стали малыми голландцами ..... 37

**А.Худжамшукуров** – Товук эймериозиди кокцидиостатикларнинг таъсирини  
синовдан ўтказиш..... 38

*Асаларичилик*

**А.И.Исамухамедов** ва б. – Халтачасимон куртча ..... 40

**Н.Азизова** – Медовые ярмарки Ташкента..... 41

*Пиллачилик*

**У.Ахмедов, К.Жумагулов**- Пилла ўраш даврида ҳарорат ва намликни  
меъридан ўзгаришини навдор пиллалар микдорига таъсири ..... 42

**Д.А.Исматуллаева** и др – Подбор дезинфектантов против ядерного  
полиэдроза тутового шелкопряда ..... 43

*Озиқа*

**М.Махмудов, А.Раббимов** – Қоракўлчилик яйловлари  
ҳосилдорлигини оширишга этибор зарур ..... 44

*Уюшма минбари*

Устозлар хотираси юрагимизда ..... 46

Неваралар қамолани кўринг ..... 46

*Мутулаа*

Поздравление с международным днём ветеринарного врача..... 47

Анекдоты..... 47

*Ақт чархи*

Айланма кроссворд ..... 48

## ҚЎЙЛАР ТИЗАНИЕЗИОЗИНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИК ҲОЛАТИ ВА ҚЎЗГАТУВЧИСИНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

### Аннотация

В литературных источниках, посвященных изучению тизаниезиозу овец и его возбудителю *Thysaniezia giardi* (Moniez, 1879) на территории Узбекистана, нередко встречаются противоречивые данные. Наши исследования свидетельствуют о значительном распространении возбудителей тизаниезиоза и авителлиноза, которые в последние годы отсутствовали в списке гельминтов овец в ряде областей, в т.ч. на территории Самаркандской и Кашкадарьинской областей.


**Ключевые слова.** *Thysaniezia giardi*, *Thysaniezia ovilla*, *Moniezia expansa*, *Moniezia benedeni*, *Avitellina centripunctata*, тизаниезиоз, мониезиоз, авителлиноз.

**Кирриш.** Тизаниезиоз уй ва ёввойи қавшовчи ўтхўр сутэмизувчи ҳайвонларнинг ўткир ва сурункали ҳолатларда кечувчи цестодоз касаллиги бўлиб, у барча МҲД ва кўпчилик хорижий мамлакатлар ҳудудида тарқалган. У айниқса қўйчиликта қатта иктисодий зарар келтиради. Унинг қўзгатувчиси йирик ичак цестодларидан ҳисобланувчи *Thysaniezia giardi* (Moniez, 1879) *Cestoda Rudolphi*, 1808 синфининг *Cyclophyllidea Beneden in Braun*, 1900 туркумига, *Avitellinidae Spassky*, 1950 оиласига, *Thysaniezia Skrjabin*, 1926 авлодига кирди.

Ўзбекистон шароитида қўйлар тизаниезиозининг ўрганишга бағишланган адабиёт маълумотларида ушбу касаллик қўзгатувчиси билан қўйларнинг ёши, йил мавсуми, иқлимий-географик зоналарига кўра зарарланиш кўрсаткичлари турлича таҳлил қилинган, ҳатто сўнгги йилларда Республиканинг шимолий шарқий, марказий ва жанубий қисмларида ўтказилган гельминтофаунистик тадқиқотларда унинг қўйларда учрамаслиги қайд қилинган. Буларнинг барчаси қўйлар тизаниезиозининг ҳозирги эпизоотологик ҳолатини муқаммал ўрганишни тақоза этади.

**Материаллар ва услублар.** Ушбу мақолада тадқиқот материаллари сифатида даставвал 1930 йилдан 2005 йилгача Ўзбекистон ҳудудида қўйлар тизаниезиозини ўрганишга бағишланган адабиёт маълумотларидан фойдаланилди.

Шахсий тадқиқотлар турли ёшдаги қўйлари гельминтологик ёриш, копрологик текшириш, уларда топилган цестодлар ва уларнинг фрагментлари, пилла (капсула)ларини морфологиясини ўрганиш орқали бажарилди.



*T.giardi* ning капсулалари

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Тизаниезиоз қўзгатувчисининг анатомо-морфологияси. *T.giardi* ning стробиласиянинг узунлиги 4-5 метргача бўлиб, у ок, сутсимон рангда. Сколекси бошқа ичак цестодлари сингари 4 та сўғригча эга, илмокчалари бўлмайд. Мониезиялардан фарқи ўларок, стробиланинг сколексдан сўғригчи бир неча сантиметрлик (бизларнинг тадқиқотларда 35 см гача) қисмида ташқи сегментация сезилмайди. Стробилада шаклланаётган бўғинлар мониезияларники сингари аста-секин энига ўсиб боради, аммо *T.giardi* ning етилган бўғинларининг эни 8-9 мм, айрим ҳолатларда 10 мм дан ошмайди. Унинг бўғинларида жинсий тешик 1 та (мониезияларда 2 та) ва у кетма-кетликда чап ва ўнг тамонларда жойлашган бўлади. Бачадони найсимон (мониезияларда тармоқланган). Тухумлари етилиши олдида бачадон найла-

### Summary

In literary sources, devoted to the study of thysaniezioses of sheep and its agent *Thysaniezia giardi* (Moniez, 1879) in the territory of Uzbekistan quite often are met conflicting data. Our researches testify about the significant spreading of agents of thysaniezioses and avitellinoses, which were absent in the list of helminthes of sheep during last years in the number of regions, among them in the territory of Samarkand and Kashkadarya regions.

**Key words.** *Thysaniezia giardi*, *Thysaniezia ovilla*, *Moniezia expansa*, *Moniezia benedeni*, *Avitellina centripunctata*, thysaniezirose, moniezirose, avitellinose.

ри дастлаб узунчок, сўнгра қисман сиртмоқ шаклини олади. Ушбу найларнинг дўнг қисмида бир нечадан тухумларни ўз ичига олган қўйлаб тизаниезия капсулалари пайдо бўлади. Бизларнинг тадқиқотларда бундай капсулалар ичида 2 та дан 6 та гача тухумлар топилди. Капсулалар сони чексиз, уларнинг шакли шарсимон ёки ноқсимон. Уларнинг ҳажми, бизларнинг тадқиқотларимизда, 0,10x0,06; 0,10x0,08 мм ни ташкил қилади, капсулалар ичидаги тухумлар ҳажми 0,012-0,022 мм атрофида (адабиёт манбаларида 0,18-0,027 мм) бўлиб, уларда ноқсимон аппарат ривожланмайди. Мониезияларнинг тухумлари учбурчак, тўртбурчак шаклида, ноқсимон аппаратли.



Ўзбекистон шароитида қўйлар тизаниезиозининг қўзгатувчиси илк бор 1930 йилнинг ноябр-декабр ойларида Қашкадарё вилоятининг Косон қоракўлчилик ҳўжалигида топилган. (В.С.Ершов, 1933) Кейинчалик 1946-1948 йилларда Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институтининг профессори Н.В.Баданин (1949) Самарқанд вилоятининг қоракўл қўйларида ушбу цестоднинг паразитлик қилишини аниқлаган ва уни *Thysaniezia ovilla* (Rivolta, 1878) деб номлаган. Шундан сўнг 1951-1953 йилларда Р.Х.Хаитов проф. Н.В.Баданин раҳбарлигида бажарилган "Самарқанд вилоятида қўйларнинг аноплоцефалёзларининг эпизоотологияси"га бағишланган номзодлик диссертациясида қўйларнинг ингичка ичагида топилган 4 тур цестодлар (*Moniezia expansa*, *M.benedeni*, *Avitellina centripunctata*) орасида *Thysaniezia ovilla* ни энг кенг тарқалишга эга цестод деб аниқлаган: барча топилган ичак цестодларининг 53,0 фоизини ушбу паразит ташкил қилган, инвазия экстенсивлиги бўйича ҳам у қўзгатадиган тизаниезиозини биринчи ўринда туриши, *Th.ovilla* билан қўзиларни 5 ойлигидан бошлаб зарарланиши, қўйлар орасида вояга етган тизаниезияларни баҳор ва кишда учраши қайд қилинган.

М.М.Мардиев 1964-1967 йилларда Қашкадарё ва Сурхондарё вилоятларида қўйлар тизаниезининг эпизоотологиясини ўрганиш жараёнида Р.Х.Хаитов сингари ушбу касаллик қўзгатувчисини барча ичак цестодларининг кўпчилигини (54,6 фоизини) ташкил қилишини аниқлаган. Муаллифнинг ёзишича янгича ном билан аталган – *Thysaniezia giardi* (Moniez, 1879), ning қўйлар орасида йилнинг барча мавсумларида учраши, унинг ўртacha инвазия интенсивлиги 3,5 нусха паразитга тенглиги, тизаниезия билан уларни максимал даражада қузда (40,6 фоиз), минимал даражада эса ёз (3,0 фоиз) ва кишда (4,7 фоиз) зарарланиши қайд қилинган. Тизаниезиялар қўзилар организмидан 4 ойликдан бошлаб топилган, 7 ойликдан 2 ёшгача бўлган қўйларда унинг кўпроқ учраши қузатилган. Тизаниезиозга чалиниши зоналар ва қўйлар ёшига кўра ўзгариши М.Мардиев

маълумотига кўра қуйидагича: тоғолди-тоғ зонада қўйлар чўл-яйлов зоналарига нисбатан икки баробар ортиқ тизаниезиоз билан зарарланади, чўл-яйлов зонада тизаниезиозга чалиниш 1 ва 2 ёшгача бўлган қўйларда, деярли, бир хил (18,3-18,6 фоиз), катта ёшдагиларида эса ушбу кўрсаткич энг юкори (41,6 фоиз). Тоғолди-тоғ зонада эса тизаниезиозга чалиниш бир ёшгача бўлган қўйларда энг юкори (22,2 фоиз), сўнгра қўйлар ёшига кўра тизаниезиоз билан зарарланиш пасая боради ва катта ёшдаги қўйларда у атиги 0,9 фоизни ташкил қилади. Шундай қилиб, М.Мардиев маълумоти бўйича ҳар икки зонада тизаниезиозни қўйлар ёшига кўра ўзгариши турлича.

Гельминтокопрологик текширишлар бўйича муаллиф қўйларнинг тезак намуналарида тизаниезиоз пиллаларини июл ойидан бошлаб учрашини, уларнинг ноябр ойида чўл-яйлов зонада тизаниезиозга чалинишини 60,0 фоиз, тоғолди-тоғ зонада 61,0 фоиз эканлигини аниқлаган. Аммо декабр ойидан бошлаб инвазияланишнинг пасайиши натижасида феврал ойида яъни қўйлар бир ёшга етганда чўл-яйлов зонада тизаниезиозни учрамадлиги, тоғолди-тоғ зонада эса уни атиги 3,0 фоизга тенг эканлиги қайд қилинган.

Н.Х.Шевченко (1958) Самарқанд вилоятининг чўл-яйлов зонаси (Нуробод тумани) шароитида қўйлар тизаниезиозини ўрганиш бўйича ўтказган махсус тадқиқотларида ушбу касалликка қўйларни кўпроқ чалинишини ва уларда инвазия экстенсивлиги 60,0-70,0 фоизгача кўтарилишини, катта ёшдаги қўйларда ушбу кўрсаткичларни 30,0 фоиздан ошмаслигини аниқлаган. И.Х.Иргашев (1973) нинг кўрсатишича эса тизаниезиозга, асосан катта ёшдаги қўйлар чалинади, ёш қўйларда у жуда кам учрайди. Шу билан бирга муаллиф ушбу касалликни тоғолди-тоғ зонасида сугориладиган ва чўл-яйлов зоналарига нисбатан кўпроқ учрашини қайд этган. Ушбу зонада қўйларни баҳорда 16,0 фоиз, ёзда 0,8 фоиз, куз ва кишда 20,0 фоиз, сугориладиган зонада уларни баҳор, куз ва кишда 7,0-8,0 фоиз, ёзда 4,0 фоиз тизаниезиоз билан зарарланганлигини аниқлаган.

Х.Жураев (1972) томонидан Қашқадарё вилоятининг чўл-яйлов зонаси шароитида бир ёшгача бўлган қўйларни 17,4 фоиз, энг кучли даражада эса баҳорда, ундан бироз паст даражада кузда тизаниезиоз билан зарарланиши, ёзда эса тизаниезиознинг учрамадлиги кузатишган. Катта ёшдаги қўйларда ҳам тизаниезиозни баҳорда юкори даражада (73,8 фоиз) бўлиши қайд қилинган.

Ш.А.Азимов (1974) Ўзбекистоннинг 10 та вилояти ва Қорақалпоғистон ҳудудида олиб борган кўп йиллик тадқиқотларида Р.Х.Хантов, М.Мардиевлар сингари *T.giardii* ни қўйларнинг бошқа ичак цестодлари орасида тарқалиши ва зарарланиш кўрсаткичлари бўйича биринчи ўринда туришини, уни текшириш ўтказилган барча ҳудудларда учрашини аниқлаган. Унинг маълумотига кўра барча ёшдаги қўйларни ўртача 10,6 фоиз тизаниезиозга чалинганлиги, уларда 1 нусхадан 31 нусхагача *T.giardii* нинг учраши, бир ёшгача бўлган қўйларни 1,0-26,2 фоиз, икки ёшгача бўлган қўйларни 5,0-23,0 фоиз атрофида тизаниезиоз билан зарарланганлиги кузатишган. Тоғолди-тоғ ва чўл-яйлов зоналарда қўйларни 3 ва кузда максимал даражада тизаниезиоз билан зарарланиши, қўйларда май ойининг охири, июн ойидан бошлаб паразитнинг етилган бўғинларини ажралиб тушиши қайд қилинган.

Т.К.Неъматов (1977) Қизилқум массивида (Бухоро, Навоий вилоятлари) қўйларни 7,5 фоиз (инвазия интенсивлиги 1-4 нусха), Д.А.Азимов ва бошқалар (1978) Ўзбекистон жанубида 20,8 фоиз тизаниезиоз билан зарарланганлигини, Н.М.Матчанов ва бошқалар (1989) Ўзбекистоннинг чўл биоценозлари (Бухоро, Навоий вилоятлари) шароитида қўйларни атиги 1,2 фоиз тизаниезиоз билан зарарланганлигини, уларда 1 нусхадан 6 нусхагача ушбу паразит бўлишини аниқлаган. Б.М.Аширматов (1999) томонидан Жиззах вилоятининг тоғолди-тоғ биоценозларида қўйларни 7,3 фоиз (ўртача 3,2 нусхадан паразит) тизаниезиоз билан зарарланганлиги қайд қилинган.

2000-2005 йилларда ЎзВТИ тадқиқотчиси Ш.А.Жабборов (илмий раҳбар профессор А.О.Орипов) Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий вилоятларида 4746 бош қўйларни гельминтологик ёриш, гельминтокопрологик текшириш усулларида текширганда тизаниезиоз кўзгатувчисини бирор марта ҳам учратмаган. Наҳотки 1953-1974 йилларда Ўзбекистон ҳудудида қўйларнинг ичак цестодлари орасида анолоцефалитозларнинг асосий кўзгатувчиси ҳисобланган келин-

ган *T.giardii* эндиликда ушбу вилоятларда тур сифатида йўқолиб кетган бўлса. Худди шунингдек муаллиф ушбу вилоятларнинг қўйларида авителлиноз кўзгатувчиси *Avitellina centripunctata* ни ҳам топаолмаган. ЎзВТИда бажарилган бундай тадқиқот натижаларидан, табиийки, юкорида кўрсатиб ўтилган вилоятларнинг қўйлари эндиликда тизаниезиоз ва авителлиноз кўзгатувчиларидан тамоман ҳоли экан деган хулоса келиб чиқади. Лекин бизларнинг 2006-2013 йилларда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида олиб борган тадқиқотларимиз бундай хулосани аксини, яъни қўйларни ҳар иккала вилоятда ҳам мониезиялар билан бир қаторда тизаниезиоз ва авителлиноз кўзгатувчилари билан зарарланганлигини кўрсатиб келмоқда. Тизаниезиоз кўзгатувчиси ташқи морфологик белгиларига кўра мониезияларга бирмунча ўхшаш. Аммо улардан етилган бўғинларининг энсизлиги ва қалин тузилганлиги билан ажралиб туради. Авителлиноз кўзгатувчиси эса *Moniezia expanza* (Rudolphi, 1810), *Moniezia benedeni* (Moniez, 1879) ва *T.giardii* дан бу жиҳатдан кескин фарқ қилади.

Шундай қилиб адабиёт маълумотларида қўйлар тизаниезиозининг эпизоотологик хусусиятлари ва ахамияти тўғрисидаги чалқашликлар ҳар хил мулоҳазаларни келтириб чиқаради, ветеринария амалиётини эса чалғитади. Бундай эпизоотологик ҳолат қўйлар тизаниезиозини мукамал ўрганишни таъкоза этади.

Тадқиқотларимиз тизаниезиоз кўзгатувчиси *T.giardii* ни барча ёшдаги қўйларда, аммо кўпроқ бир ёшгача бўлган қўйларда учрашини кўрсатмоқда. Шунингдек уни барча климат-географик зоналарда, аммо кўпинча сугориладиган текислик зонада учраши қайд қилинмоқда. Тизаниезиоз нафақат тоза ҳолда, балки мониезия ва авителлинозлар билан бирга аралаш ҳолда ҳам учрайди.

Тадқиқотларимиз қўйлар авителлинози кўзгатувчилари орасида *A.centripunctata* дан ташқари бошқа янги турларнинг учрашини ҳам кўрсатди. Шунга кўра авителлинознинг эпизоотологияси ва унинг кўзгатувчилари тўғрисида кейинчалик, алоҳида фикр юритамиз.

**Хулосалар.** Ўзбекистон ҳудудида қўйлар тизаниезиоз ва унинг кўзгатувчиси *Thysanotia giardi* (Moniez, 1879) ни ўрганишга қаратилган адабиёт манбаларида бир-бирига зид маълумотлар учраши кузатилади. Тадқиқотларимизда эса сўнгги йилларда қўйлар гельминтларининг рўйхатида ўз аксини топмаган тизаниезиоз ва шунингдек авителлиноз кўзгатувчиларини маълум даражада тарқалишга эга эканлиги аниқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимов Д.А., Гехтин В.И., Зимин Ю.М., Дадаев С. Гельминты животных юга Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1978. -С 43-60.
2. Азимов Ш.А. Фасциозезы и анолоцефалитозы овец у крупного рогатого скота. Ташкент, «Фан», 1974. -214 с.
3. Аширматов Б.И. Жиззах вилоятининг биогеоценозларида кишлоқ ҳўжалик ҳайвонларининг гельминтлари ва уларга қарши курашини биоэкологик асослари. //Биология фанлари номлони илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Самарқанд, 1999. -138 б.
4. Ершов В.С. -Работа 83-й Союзной гельминтологической экспедиции в Кассанском каракулеводческом совхозе Узбекгосторга. //Труды Среднеазиатского ветеринарного научно-исследовательского института. Том I, выпуск 2, 1933. -С 79-96.
5. Баданин Н.В. Вопросы эпизоотологии главнейших гельминтозов каракульской овцы. //Труды Уз СХИ, т.7, Самарқанд, 1949. -С 5-21.
6. Джабборов Ш.А. Разработка и внедрение новых антгельминтно-солевых смесей против гельминтозов овец. //Дисс.канд.вет.наук. Самарқанд, 2005. -109 с.
7. Джураев Х. Гельминты и гельминтозы каракульских овец и опыт борьбы с ними в условиях пустынно-пастбищной зоны Кашкадарьинской области. //Автореф.канд.дисс.Самарқанд, 1972. -17 с.
8. Иргашев И.Х. Гельминты и гельминтозы каракульских овец. Ташкент, «Фан», 1973. -283 с.
9. Мардиев М.М. Эпизоотология анолоцефалитозов жвачных животных на юге Узбекистана и опыт борьбы с ними. //Дисс.канд.вет.наук. Самарқанд, 1967. -136 с.
10. Нематов Т.К. Гельминты и гельминтозы каракульских овец в зоне Кызылкумского массива Узбекистана. //Автореф.канд.дисс... Самарқанд, 1977. -17 с.
11. Матчанов Н.М., Дадаев С., Кабилов Т.К., Сиддиков Б.Х. Гельминты животных пустынных биоценозов Узбекистана. Тошкент, «Фан», 1989. -102 с.
12. Хантов Р.Х. Эпизоотология анолоцефалитозов овец в Самаркандской области. //Дисс.канд.вет.наук. Самарқанд, 1953. -118 с.